



Ислом Нури

Букилган қаддини аста кўтариб ботаётган қуёш томон боқиб ўйга толади. Тафти кетганидан шом вақти яқинлашганини хис қилади. Кўзлари ожиз бу нуроний кекса Расулуллаҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларидан – Каъб ибн Молик разияллоҳу анҳу. Атрофида эса умид билан тикилиб турган ёшлар унинг жавобини кутишади.

- Эҳе у вақтларда шулардек ёш эдим. Кучли, ҳаракатчан эдим. Майли бошимдан ўтган кунларни айтиб берсам бирор кун буларга фойдаси тегар! - ҳойилидан кечади.

- Майли, шом намози тугагач келинглари, Аллоҳнинг бизга туширган тавбасини айтиб берай! Бу оддий қисса эмас - Аллоҳ уни Қуръонда зикр қилган. Шунинг учун мен сизларга батафсил айтиб бераман. Сизлар ибрат олинглари.

Шом намозини ўқиб бўлишгач масжиднинг устунларидан бирига суяниб ҳикоясини бошлади. Кўринишидан мусофир бўлган ёшлар даврасида ўтирган Каъбни кўрган намозхонлар нима бўлаётганини фаҳмлашиб дарров мажлисга қўшилишади. Ибратли қиссани тинглаш кимга ёқмайди. Қаҳрамоннинг оғзидан тинглашга нима етсин.

- Айни ёзнинг ўртаси. Кунлар қизигандан қизиб, мевалар пишаётган вақт. Кундузлари ҳамма ўзини соя салқинга уради. Шундай кунларнинг бирида Мадинага чопар кириб келди. У рум подшоҳининг Мадинага қарши қириқ минг аскар билан чиқмоқчи экани ҳақидаги хабарни олиб келганди. Хабарни эшитган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам душманни Мадинада кутгандан уларнинг ерида тўқнашган яхши деган қарорга келдилар.

Ҳаммани масжидга тўплаб бор гапни айтдилар ва жиҳодга



Ислом Нури

жиқажакларини эълон қилдилар. Одатларига хилоф ўлароқ жўнаш вақтини ва душман ким эканини эълон қилдилар. Уруш қонунларига хилоф келсада мусулмонлар ким билан юзма-юз бўлишларини истадилар. Тўғрида, йўл узоқ, душман кучли, буёғии эса айни ҳосил пишган вақт.

- Кимки қийинчилик лашкарини жиҳозласа унга жаннатни ваъда қиламан! - эълон қилдилар.

Одамлар ҳали хосилларни йиғиштириб улгирмаганлари учун кўпчиликнинг моддий аҳволи оғир эди. Қурол аслаҳа, емак ва от-улов учун пул топиш қийин.

Мусобақа бошланди. Усмон разияллоҳу анҳу уч юз туяни эгар-жабдуғлари билан ва яна икки юз уқийя тилла садақа қилди. Кейин яна қайтиб минг дийнорни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам этакларига тўқди. Абу Бакр разияллоҳу анҳу ҳамма молини садақа қилди. Умар разияллоҳу анҳу яриб молини келтирди.

Сафар тадориги қизғин давом этарди. Ҳамма керакли нарсаларни таёрлайди. Мен ўзимга тўқ бўлганим учун керакли нарсаларни ўзим бозордан сотиб олишга қарор қилдим. Туяларим орасидан иккитасини танлаб, яхшилаб боқа бошладим. Кунлар ўтар, ҳар куни бозорга тушиб кўглимдагидек қилич ва бошқа анжомлар танлардим. Лекин ҳеч кўнглимдагини топа олмайман. Бозордан қуруқ қайтаман.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эртага тонгда йўлга чиқажакларини элон қилдилар. Мен эса бугун ҳам бозордан қуруқ қайтаябман.



Ислом Нури

- Эртага эрта чиқиб, дуч келган нарсани сотиб оламан-у, лашкарга қўлшиламан.

Йўқ ертасига ҳам ҳеч нарса ололмадим. Ҳамма кетиб бозорда олувчи ҳам, сотувчи ҳам кам қолганди. Кўнгилдаги нарсанинг ўзи йўқ. Неча кунлик қизғин бозордан сўнг савдогар аҳли бугун дам олишни истабди шекилли. Эртага чиқишар деган ўй билан яна уйга қайтдим.

Йўқ, эртасига ҳам бозор бўш. Бир икки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан узр сўраб қолган мунофиқлар кўринади. Кунлар жуда тез ўтди. Гўё ип узилиши билан бирдан ерга сочилган мунчоқ доналари дейсиз. Бир неча кун шу алфозда бозорга қатнадим. Ҳар куни ўзимни алдайман. Эртага! -дейман- ҳа, эртага албатта жўнаб кетаман. Мен ёлғизман, тез юраман, ҳадегунча етиб оламан уларга. Ёлғиз киши тез юради, шундай эмасми?! Ҳаёлимда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга етиб оламан, жанг майдонида жавлон ураман.

Йўқ, бу насиб қилмаган экан. Тез кунда буни англаб етдим. Эй Роббим ўзимга зулм қилиб қўйдимку!? Энди нима қилай?! Бозорлар кезаман. Мунофиқлиги аниқ бўлган кишиларни кўраман. Ҳа, анча-мунча эмас, очиқ мунофиқлар. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кетишидан олдин йиғлаб, ёлғон баҳоналар билан рухсат олиб жангдан қолишган. Эҳ, мен ҳам улар билан тенг бўлдимми?! Эй Роббим, ўзинг кечир! Ана у ким бўлди, ҳа уни танийман у мунофиқ эмас. Солиҳ одам. Айтганча, бу ҳақда Аллоҳ оят тушириб заифлаги учун маъзур қилган-ку. Мен заиф эмасман!? Юрагим сиқилиб кетади. Боғимга қочиб кетаман.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қайтишлари маълум



Ислом Нури

бўлди. Ҳамма кутиб олишга чиқди. Ҳамма хурсанд, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ғалаба билан қайтдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одатларига биноан биринчи масжидга тушдилар. Урушга бормаган кишилар бир-бир келиб, қутлаб, узрларини яна бир бор айта бошлашди.

Мен шоир одам бўлсам, гапга ҳам чечанман. Ҳар қандай баҳонани қойиллатиб ташлайман. Ҳаёлимда минг баҳона билан Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига юрдим. Юзма-юз келгач бирдан ўзимга келдим. Қалбим қаттиқ зирқиради: – Эй Каъб! Бу Расулуллоҳ! Бу зотга ёлғон гапириш дуруст эмас. Сен ростини айт, шунда нажот топасан!

– Ғалаба муборак бўлсин, эй Расулуллоҳ!

– Сизга нима қилди!? Нима учун жиҳодга чиқмадингиз!? Туяларини таёрлаб қўйди дейишгандику?!

– Шундай, эй Расулуллоҳ! Бироқ мен бормадим. Эй Расуллуллоҳ! Мени биласиз, гапга чечан кишиман. Сиздан бошқа ҳар қандай одамнинг ғазабидан жуда осонлик билан қутула оламан. Бироқ сизга ёлғон айтиб, сизни рози қилсамда, Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлишдан қўрқаман. Ростини айтсам сиз мендан аччиқланишингиз тайин. Лекин не қилайки мен Аллоҳдан афв умидидаман. Мен сизга ҳақиқатни айтай – менинг ҳеч қандай узрим йўқ! Сиздан ортда қолган вақтимда кучим ва моддий ҳолатим яхши эди.

– Бу рост сўзлади! – дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам атрофларидаги саҳобаларга.



Ислом Нури

- Туринг, бораверинг, Аллоҳнинг ҳукмини кутамиз!

- Яхши қилдинг! Бу ҳақиқий мўминнинг иши!

- Эй нима қилиб қўйдинг! Ундан кўра чиройли битта баҳона қилсанг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ишонадилар! Сенга истиғфор айтиб дуо қиладилар ҳамма хурсанд, шу яхши эмасмиди!

Икки ҳил туйғулар тўфонида қолдим. Бири қалбим, иккинчиси Шайтон. Аксига олиб таниш билишларим ҳам йўлимни тўсиб Шайтон ундовини қайтара бошладилар:

- Эй нима қилиб қўйдинг!? Эл қатори келиб бирор нарсани баҳона қилсанг бўлмасмиди? Ана ҳамма шундай қилябди! Сен аввал ҳеч гуноҳ қилмаган бўлсанг! Эй сендақа ростгўйдан. Ахир сенга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам истиғфор айтса бўлдида! Яна нима керак?

- Мендан бошқалар ҳам ростини айтишдимиз?

- Ҳа, яна икки киши шундай қилди.

- Ким улар?

- Мурора ибн Рабийъ ал-Омирий ва Ҳилол ибн Умайя ал-Воқифийлар.

- Улар Бадр жангида қатнашган солиҳ кишилар, шундай эмасми?! Мен ҳам улар билан биргаман! Аллоҳнинг афвини кутаман. Ҳеч қачон Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига қайтиб ўзимни ёлғончига чиқармайман. Мени ҳоли қўйинг!



Ислом Нури

Каъб разияллоху анху уйга хафа қайтди.

□ * * *

Бир неча кундан сўнг Расуллуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам одамларни Каъб ва унинг икки шериги билан гаплашишдан қайтардилар.

Одамлар биздан қочишарди.. Ҳамма бирдан ўзгариб қолди.. Бозорга чиқсам менга ҳеч ким қарамайди. Гапга тутсам, мум тишлайди. Одамлар ўзларини биз йўқдек тутишарди. Бу ўша биз билган одамларми? Хайрон қоламан! Кўзимга дунё қоронғу бўлиб кетди. Кўчалар, деворлар, ўша кўча, ўша деворми? Бутун борлиқ кўзимга бегона кўринади.

Икки шеригим бунга чидай олмай уйларига биқиниб олдилар. Кеча кундуз йиғи билан истиффорлар айтишарди. Кўрган одам уларни зоҳид деб ўйлайди. Мен эса ёш ва чидамли эдим. Кўчаларга чиқиб масжидга борардим. Расуллуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам билан бирга намоз ўқирдим. Расуллуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга салом бериб лабларига тикилардим: – алик олдиларми? Лабларини қимирлатдиларми? Йўқ, билолмасдим. Олдиларида намоз ўқирдим. Агар Расуллуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга қарасам юзларини ўгирардилар. Агар намозга юзлансам. Менга боқардилар. Шошилиб қарасам яна кўзларини олиб қочардилар.

* * *

Энди кунлар иммилаб ўтарди. Синов кетидан синов келарди. Кимсан Каъб шоҳу-амирлар таниган машҳур шоир Каъб аҳволи бу – ўз юртида,



Ислом Нури

лекин ҳеч ким гаплашмайди. Ҳеч ким мен билан ҳамсухбат бўлишни истамайди.

Шу аснода яна бир синов келди. Бозорни кезиб юрарканман бировнинг бақираётгани эъриборимни тортди.

- Менга Каъб ибн Молкни ким кўрсатади!

Ҳамма Каъбга сўзсиз ишора қиларди. У мен томонга йўналди.

- Бу Ғассонийлар шоҳидан нома! - шундай деб шомлик насроний савдогар номани кўлимга тутқазди.

- Демак хабар Шомга ҳам етибди. Бу шоҳ мени танийди. У нималар ёзди экан?!

Шошилиб номани очаман, кўзларим сатрлар оша шошади:

- Каъб ибн Молик! Бизга маълум бўлишича ишонган кишинг сенга жафо қилиб, четлатибди. Сен хор бўладиган киши эмассан. Бизнинг ҳузуримизга келгин. Сенга яхшиликлар қилайлик.

Хатни ўқиб бўлгач икки буклаб йиртдимда, яқинимда ловуллаб ёнаётган тандирга улоқтирдим.

- Инна лиллаҳ! Бу яна қандай синов?! Кофирлар менга кўз тикишдими?

Шоҳларнинг алдашларига қиё боқмади.

Шоҳларнинг саройи, бойларнинг қасри мунтазир бўлса...



Ислом Нури

Ўз шаҳрида ҳеч ким қиё боқмаса...

Салом берса алик йўқ...

Гапирса жавоб олмаса...

Шунга қарамай кофирларнинг чақириқларига қиё боқмади.

Шайтон йўлдан оздира олмади. Ўзига қул қила олмади.

Номани оловга улоқтирди. Ёқиб юборди.

* * *

Кунлар жуда ҳам секин ўтарди. Бир ой ўтди. Аҳволлар яхши бўлиш ўрнига ёмонлашарди. Кундан кунга оғирлашиб борарди.

На Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир нарса дейдилар ва на ваҳий тушади. Қириқ кун тўлганда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан элчи келди:

– Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлингдан узоқлашинингга буюрдилар.

– Талоқ қилайми?

– Йўқ! Фақат яқинлашма!

Уйига қайтиб аёлига ота-онасиникига бориб, Аллоҳ бу ишни охирига етказгунча ўша ерда туришини айтди.

Икки шерикларига ҳам шундай буйруқ бўлди.



Ислом Нури

Ҳилол ибн Умайянинг аёли Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузирларига келиб мурожаат қилди:

- Эй Расулуллоҳ! Умайя кекса чол, унинг хизматларини қилсам майлими?

- Майли. Лекин яқинлик қилмасин!

- Аллоҳга қасамки! Умайянинг ҳеч нарса билан иши йўқ. Кеча кундуз йиғида.

* * *

Каъб оғир кунларни бошидан кечирарди.. Синов кундан кунга қаттиқлашарди. Ички оламида ундан-да катта ғалаён. Иймон ва нафс ўртасида кураш борарди. Нафс хуруж қилган вақтида қалб кўридан жой олган иймон нидо қиларди: - Сен ўзи ҳақиқий мўминмисан?

Кимдан сўрасин?! Кимдан маслаҳат олсин. Ҳеч ким у билан гаплашмаса. Нима қилсин?!

Синов ўта қаттиқлашган кезларида, ўша ўйлар хуружида қариндоши ва энг яқин қадрдони Абу Қатода розияллоҳу анҳуни излади. У ўзининг боғида экан. Ҳеч кимга билдирмай девор ошиб тушди.

- Ассалому алайкум!..

Алик йўқ.

- Аллоҳни ўртага қўйиб сўрайман, эй Абу Қатода менинг Аллоҳ ва Расулини севишимни биласизми?



Ислом Нури

Сукут сақлайди. Яна қайта сўрайман:

- Аллоҳни ўртага қўйиб сўрайман, эй Абу Қатода менинг Аллоҳ ва Расулини севишимни биласизми?

Яна сукут. Учинчи қайта сўрайман: Эй Абу Қатода менинг Аллоҳ ва Расулини севишимни биласизми?

- Аллоҳ ва Расули билади!

Бу қандай жавоб. Ахир энг яқин дўстим мен ҳақимда шундай демоқда?! Ахир мен Аллоҳ ва Расулини қанчалар севишимни билардику! Қулоқларимга ишонмадим. Кўзларимда жикқа ёш билан яна ортга қайтдим. Шояд бир яхши сўз эшитарман деган кишим ҳам менга далда бермади. Қандай келган бўлсам шундай девор оша қайтиб кетдим.

Уйга қайтиб эшикларни беркитиб ўтириб олдим. Дардимни эшитгани на дўст бор ва на аёлим.

Эллик кун ўтибди. Ҳа эллик кундан буён Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг буйруғларига биноан ўз айбимиз туфайли синовда юрибмиз.

* * *

Шу эллигинчи кечада шаҳарнинг бошқа томонида Аллоҳ ваҳий нозил қилди. Кечанинг учдан бири ўтганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Умми Саламага хурсандлик хабарини бериб, оятларни ўқиб бердилар.



Ислом Нури

- Эй Расулуллоҳ! Каъб ва шерикларига хабар жўнатайлик, бир хурсанд бўлишсин!

- Йўқ! Эрталаб айтамыз! Бўлмаса одамлар хурсандчилик қилиб сизларни ухлагани қўймайдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдод намозини ўқиб бўлгач одамларга хушxabарни - уч кишининг тавбаси нозил бўлганини айтдилар. Ҳамма хурсанд. Бир-бирларини табриклаша кетишди. Худди тавба уларга нозил бўлгандек. Ҳамма хушxabарни тезроқ биродарларига етказиш учун шошилди. Кимдир бор кучи билан югурди. Отлиқ намозга келган намозхонлар уловига қамчи босдилар.

Шу вақт юраги сиқилгандан сиқилиб, кенг дунё кўзларига тор кўринган Каъб кенглик излаб, кўзлари узоқ-узоқларга кетсин дебми, ёки атрофидаги кишилар ўзларини тортганлари сабабми у ҳам ўзини улардан тортиб узоқ бўлишни кўзлабми уйининг томига чиқиб, бомдод намозини ўқирди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидларидан азон товуши келиши билан томга чиқиб намоз бошлаган бўлсада Аллоҳнинг зикридан бошқа кўнгил ошноси қолмагани учун намозни узун ўқиди. Ҳаёлидан хар хил ўйлар ўтади.

- Агар мен ҳозир бу синовларга чидамай ўлиб қолсам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга жаноза ўқирмикинлар? Ҳаётим ёлғизликда тугасая. Эй, роббим!

Шу лаҳзада югурган югурар, отлиқлар эса қамчини ишга солардилар. Қувончдан шошиб мен биринчи хабар етказай деб чопаётган Каъбнинг дўстларидан бири олдидан бир отлиқ учиб ўтди. Миясига чакмоқдек урилган ўйдан бирдан тўхтади:



Ислом Нури

- Отликдан ўтиб бўладими?!

Лекин бошга келган фикрдан юзлари ёришиб кетди ва биринчи кўринган том устига чиқиб бор овозича бақирди:

- Эй Каъб! Эй Каъб! Хурсандчилик! Эшитинг! Аллоҳ сизни тавбангизни Расулуллоҳга нозил қилибди! Эшитябсизми?!

Овоздан тезроқ еладиган суворий бор эканми?!

- Аллоҳ бизни гуноҳимизни кечибди! Алҳамдулиллаҳ! Овоз эгасини ҳам таниди. Ўзининг дўстларидан. Бозорда неча марта у билан гаплашмоқчи бўлиб салом берганда алик олмаганди. У менга хабар берябдими, демак энди ҳамма аввалгидек мен билан гаплашверади. Алҳамдулиллаҳ!

Намозини тугатаркан эшик олдидан от дупури келди.

- Каъб! Эй Каъб! Бормисиз? Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бомдод намозини ўқигандим, у киши Аллоҳ сизнинг тавбангизни нозил қилганини айтдилар.

Баланд овозни эшитган қўшнилари югириб чиқишиб хабарчини ўраб олишиб саволга тута кетишди:

- Ростданми? ...

- Оят тушибдими? ..

- Ҳаммага эълон қилдиларми!..



Ислом Нури

Атрофдан хурсандчилик овозлари келарди. Бу овозлар бутун шаҳарни тутиб кетганди. Мен отликқа пешвоз чиқдим. У мени қучиб бўлган воқеани батафсил айта бошлади. Орадан ҳеч қанча ўтмай бақирган дўстим ҳам халлослаб келиб қучиб олди:

- Аллоҳнинг тавбаси қутлуқ бўлсин азиз дўстим! - дерди овозлари тикилиб. Мен дарров унга устимдаги кўйлагимни ечиб кийдириб қўйдим.

- Раҳмат дўстим жуда хурсанд қилдинг!

Тез ичкари кирдим отимни миниб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурига чоптирдим. Йўлда шаҳар аҳли тўп-тўп бўлиб хурсандлик билан кузатиб қолишди. Отимни масжид олдида турганлардан бирига тутқазиб ичкари кирдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам юзлари тўлин ойдек порлаб турарди. Шундан билдимки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам жуда хурсанд бўлганлар. Демак бизни деб у зот ҳам қайғурганлар, фақат бизга билдирмаганлар. Эшик олдида кўринишим билан:

- Каъб туғилганингиздан бери сиз учун бунчалик яхши кун бўлмаган!

- Эй, Расулуллоҳ тавба сизданми ёки Аллоҳдан?

- Йўқ, тавба Аллоҳ тарафидан нозил бўлди! - шундай дея оятни ўқиб бердилар. Олдиларига келиб ўтирдим.

- Эй Расулуллоҳ! Тавбанинг шукронаси учун ҳамма молимни садақа қиламан!

- Хаммасини эмас, ўзингизга ҳам қолгани яхши.



Ислом Нури

- Эй Расулуллоҳ! Нажотим сабаби тўғри сўзлик бўлди. Шундай экан қайтиб тилимга ёлғон сўз олмасликка қасам ичаман!

Ҳа, Аллоҳ аzza ва жалла уч гуноҳкорни тўғрисўзлик билан айбларини бўйнига олганлари учун уларни поклаб кейин гуноҳларини кечирди. Яна уларнинг синовдан яхши ўтганлари эвазига ҳодисани қиёматгача унутилмас оятларга битик қилди.

Яна ўша уч кишининг (тавбаларини ҳам қабул қилдики), то уларга кенг ер торлик килиб қолгунча ва диллари сиқилиб, Аллоҳнинг (ғазабидан) фақат Ўзига тавба қилиш билангина қутулиш мумкин эканини билгунларича (тавбаларини қабул қилиш) қолдирилган эди. Сўнгра (Аллоҳ) тавба қилишлари учун уларга тавба йўлини очди. Албатта, Аллоҳ тавбаларни қабул қилувчи, меҳрибондир. Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқингиз ва иймонларида ростгўй бўлган зотлар билан бирга бўлингиз!